

КАРНИЛЕВ KARNILEV

«MAQULLANGAN»
O'zbekiston Respublikasi
Sog'lqni Saqlash Vazirligi
«Dori vositalari tibbiy buyumlar va
tibbiy texnika ekspertizasi
va standartizatsiyasi
davlat markazi»
Davlat unitar korxonasi
20.09.2017 y. №2

ҚўЛЛАШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА

Препаратнинг савдо номи: Карнилев
Таъсир этувчи модда (ХПН): левокарнитин
Дори шакли: инъекция учун эритма.

Таркиби

1 мл эритма қуйидагиларни сақлайди:
фаол модда: левокарнитин 200 мг
ёрдамчи моддалар: сулолтирилган хлорид кислотаси, инъекция учун сув.
Таърифи: тиник, рангсиз ёки сарғиш суюқлик.
Фармакотерапевтик гуруҳи:
метаболик жараёнларни мувофиқлаштириш учун восита.
АТХ коди: А16АА01.

Фармакологик таъсири Фармакодинамикаси

Левокарнитин (L-карнитин) – В гуруҳи витаминларига яқин табиий модда ҳисобланади. Цитоплазмадан митохондрийларга хужайра мембранаси орқали ёғ кислоталарини ташувчиси сифатида моддалар алмашинуви жараёнида иштирок этади, у ерда ёғ кислоталар кўп миқдорда АТФ шаклида метаболик энергия ҳосил бўлиши билан бета-оксидланиш жараёнига учрайди. Организмда карнитин етишмовчилигида мушак тўқималарида (скелет мушаклари, миокардда) липидларни тўпланиши юз беради, бу уларнинг қисқарувчанлик фаоллигини издан чиқаради. Оқсил ёғ алмашинувини, тироксиннинг қисман антагонисти бўлиб, гипертиреозда юқори асосий алмашинувини нормаллаштириди, қонда ишқорий заҳирасини тиклайди, кетокислота ҳосил бўлишини ва анаэроб гликолизини сусайтиради, лактоацидоз даражасини камайтиради, шунингдек жисмоний фаоллиқни оширади ва жисмоний юктамаларни ўзлаштиришни оширади, бунда глюкогенни камроқ сарфланишини ва жигарда ва мушакларда унинг заҳирасини ошишига олиб келади. Левокарнитин анаболик таъсир кўрсатади, меъда шираси секретациясини рағбатлантиради, оқсиллар ва углевод молекулаларини парчаланишни секинлаштиради. Ортиқча тана вазнини камайтиради ва мушакларда ёғ миқдорини камайтиради. Нейротрофик таъсир кўрсатади, апоптоз ривожланишини тормозлайди, шикастланиш соҳасини чегаралайди ва нерв тўқимасининг структурасини тиклайди.

Фармакокинетикаси

Мушак орасига юбориб олинганда 3 соатдан кейин эришилади. Терапевтик концентрацияси 9 соат давомида сақланади. Қон плазмасидан жигарга, миокардга, скелет мушакларига киради. Буйраклар орқали, асосан ацил эфирлари кўринишида чиқарилади (24 соат давомида 80% дан кўп).

Қўлланилиши

- узоқ вақт гемодиализ олаётган ва қуйидаги симптомлари – доимий аққол мушак спазмлари, миопатия, мушак массасини камайиши, скелет мушакларини кучсизлиги, гипотензия симптомлари, анемия, уни буйракларда реңсизобъясини бузилиши (СБЕ) бўлган пациентларда картинни иккиламчи етишмовчилиги – туғма (органик ацидурия), орттирилган алиментер карнитин танқислиги (мальабсорбция, ичак касалликлари);
- ишемик кардиомиопатияда миокардда метаболизмин бузилишлари (миокардда энергия манбаи сифатида ёғ кислоталарини утилизацияси жуда жадал амалга ошади, шунинг учун у L-карнитинга жуда муҳтож, уни қўллагандан кейин қисқаришлар кучини ошиши, мушаклар кейинги дегенерациясини олдини олиш, ЭКГ нормаллаштиши кузатилади);
- стенокардия, ўткир миокард инфаркти, кардиоген шок оқибатидаги аққол гипоперфузия ҳолати;
- марказий ва периферик нерв тизимини шикастланиши, респиратор дистресс-синдроми, психомотор ривожланиши бузилишлари, тиришишлар, атасия, пирамид бузилишлар, кўзларни ҳаракатлантирувчи нервлар томонидан бузилишлар (ташқи офальмоплегия, птоз ва бошқалар);
- жигарни шикастланиши (авж олиб борувчи гепатомегалия, жигар фибрози, жигар етишмовчилиги кўринишлари), буйракларни шикастланиши (Фанкони триадаси, фосфатурия, глюкозурия, аминокислотадурия), эндокрин бузилишлар (ўсишни кечикиши, гипогликемия), эшитишни бузилиши (нейросенсор карлик), кўришни бузилишлари (курву нервлари атрофияси, кўз түр пардасининг пигментли дегенерацияси, катаракта), меъда-ичак йўллари томонидан бузилишлар билан кечувчи полиневропатия;
- иштахани псайиши, тана вазнини камайиши, катталарда ва болаларда озиш билан кечувчи касалликлар ва ҳолатлар;
- нерв анорексияси (невроген анорексия) ва руҳий касалликлардаги жисмоний озиш, дисциркулятор ва жароҳат энцефалопатияси;
- ташқи секретор етишмовчилик билан етишмовчилик билан кечувчи сурункали панкреатит;
- секретор функцияси етишмовчилик билан кечувчи сурункали гастрит;
- туғруқдаги жароҳат ва янги туғилган чақалоқлар асфиксияси;
- озиқланиш рефлекслари сусайган (суст эмиш), гипотрофия, гипотония ва адинамияси бўлган янги туғилган чақалоқлар, чала туғилган ва муддатида туғилган чақалоқлар; янги туғилган чақалоқларда респиратор дистресс-синдроми, түлүк парентерал озиқлантиришда бўлган чала туғилган чақалоқларни парвариш қилиш;
- янги туғилган чақалоқлар саркилиги;
- оғир касалликлар ва жаррохлик аралашувларидан кейинги реконвалесценция даврида;
- болаларда ва 16 ёшгача бўлган ўсмирларда ўсишни кечиши ва тана вазни танқислиги, болаларда ва 16 ёшгача бўлган ўсмирларда тиреотоксикознинг энгил шакллари;
- тери касалликлари (псориаз, себореяли экзема, ўчоқли склеродермия ва дисконд қизил югурик) да мажмуавий даволаш тариқлида;
- давомли жадал спорт машқлари ёки бошқа юқори юктамалар (анаболик ва адептоген сифатида), иш қобилияти, чидамлилиқни ошириш ва толиқишни камайтириш учун;
- экзоген-конституционал семизликда қўлланади.

Қўллаш усули ва дозалари

Инъекция учун эритма. Катталар, болалар, янги туғилган чақалоқларга: мушак ичига, вена ичига инфузия йўли билан секин (2-3 минут давомида) юборилади. Адекват дозалашни аниқлаш учун плазмада ва сийдикда эркин ва ацетилизацияланган L-карнитиннинг даражасини аниқлаб даволашни назорат қилиш керак. Бош мияда қон айланшини ўткир бузилишларида 3 кун давомида суткада 1 г дан, сўнгра 7 кун давомида суткада 0,5 г дан буюрилади. 10-12 кундан кейин 3-5 кун давомида такоран даволаш курсини ўтказиш мумкин.

Нимўткир ва тикланиш даврида, дисциркулятор энцефалопатияда ва бош миянинг турли шикастланишларида, карнитин танқислигида препарат буюрилганда беморларга Карнилев суткада 0,5-1 г ҳисобидан вена ичига (томчилаб, оқим билан) ёки мушак ичига (қунига 2-3 марта) сулолтирмасдан 3-7 кун давомида юборилади. Зарурати бўлганда 12-14 кундан кейин такрорий даволаш курси буюрилади. Гемодиализда карнитинни иккиламчи танқислигида вена ичига, секин (2-3 минут) 2 г бир марта буюрилади; ўткир миокард инфарктида, ўткир юрак етишмовчилигида – суткада 3-5 г, биринчи 2-3 сутка давомида 2-3 марта қабул қилишга бўлинган, кейинчалик дозани 2 марта камайтирилади; кардиоген шокда – пациентни шокдан чиқаргунча 2-3 марта қабул қилишга бўлиб, суткада 3-5 г буюрилади. Метаболизмининг туғма муаммоларида: дозалаш моддалар алмашинувида туғма оғишлар ва даволаш давридаги аққоллик даражасига боғлиқ. Ўткир декомпенсация ҳолатларида 3-4 марта қабул қилиш учун қунига 100 мг/кг гаца буюрилади. Агар зарурат бўлса оққориқ дозаларни қўллаш мумкин, лекин бир вақтда ноқўя самаралар, масалан диарея юзага келиши эҳтимоли ошади. Агар препаратнинг инъекцион шаклларини қўллаганда яхшиланишга эришилган бўлса, қунига 1 г дозада Карнилев ича қабул қилиш учун эритма билан самарани бир маромда ушлаб турувчи даволаш давом эттириш мумкин.

Ножаъ таъсирлари

Эпигастрал соҳада оғриқ ҳислари, диспептик кўринишлар, мушак кучсизлиги.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Препаратнинг компонентларига юқори сезувчанликда қўллаш мумкин эмас.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Глюкокортикостероидлар препаратни тўқималарда тўпланишига олиб келади. Препаратни қабул қилишдан олдин, пациент бошқа препаратларни қабул қилаётганлиги ҳақида шифокорни огоҳлантириш керак.

Махсус кўрсатмалар

Карнилев кўникишни қақирмайди, чунки одам организми учун табиий эритма ҳисобланади. Глюкозани ўзлаштирилиши ошганда, Карнилев препаратини инсулин ёки гипогликемик перорал препаратларни қабул қилаётган қандли диабет бўлган пациентларга юбориш гипогликемия қақирishi мумкин. Шунинг учун гипогликемик даволашни дарҳол бошқариш учун бундай пациентларда қонда глюкозанинг даражасини доимий назорат қилиш керак. Буйрак функциясини яққол бузилишлари бўлган пациентларда Карнилев препаратининг юқори дозаларини узоқ вақт перорал қилиш потенциал токсик метаболитлар, триметиламин (ТМА) ва триметиламин-М-оксид (ТМАО) концентрацияларини ошишини қақирishi мумкин, чунки ушбу метаболитлар одатда сийдик билан чиқарилади. Бундай ҳолларда сийдик, нафас ва тер ажралмалари ёқимсиз ҳидга эга бўлади.

Ҳомилдорлик ва лактация даври:

Карнитиннинг примар тизимли танқислиги бўлган ҳомилдор аёллар учун жиддий оқибатларни эътиборга олиб, карнитин билан даволашни тўхтатган ҳолатларда она учун бўлган хавф, ҳомила учун назарий хавфдан юқори.

Левокарнитин кўкрак сутининг нормал компоненти ҳисобланади. Левокарнитини эмизish вақтида қўллаш ҳақида маълумотлар йўқ. **Транспорт воситалари ёки потенциал хавфли механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири:**

Препарат транспорт воситалари ёки потенциал хавфли механизмларни бошқариш қобилиятига таъсир кўрсатмайди. Препарат болалар ололмайдиган жойда сақлансин ва яроқлилик муддати ўтган қўлланилмасин.

Дозани ошириб юборилиши

Карнилев препаратини дозасини ошириб юборилиш ҳолларида токсиклик ҳақида маълумотлар йўқ. Препаратнинг юқори дозалари диарея қақиради. Препаратни ўзлаштирилишини қабулнинг биринчи ҳафтаси давомида ва қабул қилинадиган дозанинг ҳар оширилишидан кейин. Дозани ошириб юборилиши симптоматик даволаш керак.

Чиқарилиш шакли

1 г дан инъекция учун эритма сақловчи 5 ампула поливинилхлорид пластик ўрамда қўллаш бўйича йўриқномаси билан картон қутида.

Сақлаш шароити

Қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган жойда, 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Яроқлилик муддати

3 йил.

Дорихоналардан бериш тартиби

Шифокор рецепти бўйича.

Савдо белгисининг ва қайд этиш гувоҳномасининг эгаси

SPEY MEDICAL Ltd., Лондон, Буюк Британия

Ишлаб чиқарувчи

HELP S.A., Атика, Греция

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (тақлифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили
Ташкент ш., Юнус-Обод тумани, Ц-6, 9/2
Тел: +99871 2356501